

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси


1 октябрь, шанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 193 (941)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИГА ТАБРИГИ

Муҳтарам муаллим ва мураббийлар, қадри устозлар!
Аввало сизларнинг барчагини қутлуг байрамларингиз билан муборакбод этаман.
Фарзандларимизни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаётган, уларнинг қалбига олижаноб фазилавларни қарор топтиратган инсонлар ҳамisha эъзозга лойиқдир.
Сизлар мустақил юртимизнинг эртанги тақдирини ўз қўлига олувчи

еш авлод шуурига маърифат ва эзгулик нурларини синдиришда улкан хизмат кўрсатаётган кишиларсиз.
Сизлар заҳматли меҳнатингиз билан истиқлол моҳиятини, масъулиятини теран англайдиган, ота юрт шон-шавкатини етти иқлимга ёйдиган авлодни ўқитиб тарбияламоқдасизлар. Зеро, биз сизларнинг илму салоҳиятингиз юксаклигини таяниб, маърифатли давлат қуриш йўлини ташлаб

олганмиз.
Сизнинг зиммангизда дунё илм-фани, маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган, тафаккур зиеси билан башариётга нурли йўл кўрсатган улуг аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаб вояга етказишдай эзгу вазифа турибди. Шундай шарафли вазифани адо этишда сизларга куч-қувват, сийҳат-саломатлик тилайман.
Ислом КАРИМОВ.



Мелқой Урмонов узоқ йиллар Фарғона туман суви бўлими бошқарувида Хонқиз насос станциясида ишлади. У ҳозир кенгаши нафақасида бўлсада, тез-тез қардан жамоасида бўлиб, ешларга ўз масалатларини билан кўмак бериб туради.
СУРАТДА: меҳнат фахрийси Мелқой Урмонов.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМИ

30 сентябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашининг XII пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II курултойини чақириш ҳамда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ўтказиладиган сайлов муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Марказий кенгаш биринчи котиби А. Жалоловнинг шу ҳақдаги маърузаси тингланди.
Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II курултойини шу йил 1 ноябрда чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.
Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов иштирок этди. (У.А.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ва “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонулларида муқобил Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:
1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қуроли кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилади.
2. 1967-1976 йилларда туғилган, чақирқ муқабил хизматини ўз вақтида ўтаган бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1994 йилнинг октябрь-ноябрь ойларига муқабил хизмат ва муқобил хизматга чақирқин.
3. Ўзбекистон Республикаси мудофаа

вазирлигига чақирқилувчиларнинг ҳарбий хизматга олиналган ресурсларини ҳокимиятлар, вазириятлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва ташкилотлар буюртмамодалари бўйича, чақирқилувчининг яшаш жойидан қатъий назар, меҳнат ресурслари чеklangан жойларда, шунингдек, қурилиш, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал ва қишлоқ хўжалиги объектларида фойдаланувчи мақсадда муқобил хизматни ўташ учун йўллашга рўхсат этилади.
Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 30 сентябрь.

СЕССИЯ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг шаҳар кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқида билдирган танқидий фикр-мулоҳазалари асосида белгиланган чора-тадбирларнинг қандай амалга оширилаётгани муҳокама этилди. Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлагановнинг шу ҳақдаги ахбороти тингланди.

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими М. Исмоловнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг республика Олий Кенгаши XVI сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вилоят меҳнатчилари вазифалари тўғрисидаги маърузаси тингланди.
Шунингдек сессияда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Х. Ҳайдаровнинг “Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сонини белгилаш ва вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиясини тўзиш ҳақида”ги ахбороти ҳам эшитилди.
Кун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.
Н. СОБИР,
“Халқ сўзи” мухбири.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Ф. Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессияси якунида ва республика Президенти И. Каримовнинг сессиядаги нутқида уртага қўйилган вазифалар тўғрисида маъруза қилди.

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессиясида ҳам ана шу масала муҳокама этилди. Сессияда вилоят ҳокими Ж. Норалиев сўзга чиқди.
(У.А.)

1 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси ташкил топганига 45 йил тўлди

ДЎСТАЛИК РИШТАЛАРИ

Ўзбекистон - Рассомлар уюшмасининг кўргазма залида шу санага бағишланган тантали йиғилиш бўлди.
Тантанали йиғилишни Ўзбекистон Республикаси халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий уюшмаси раисининг ўринбосари Н. Иброҳимов очди.
Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қадимий қўшничилик алоқалари мавзуда экани таъкидланди. Қадим-қадимдан бу икки заминни машхур “Буюк йул” биллаштириб келган. Уч йил муқаддам Ўзбекистон мустақиллик йўлига кирганидан кейин эса, республикамиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар бутунлай янги тус олди. Бу жараёнга Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1992 йилда Хитойга қилган расмий ташрифи асос солгани бarchа маълум. Бу йил баҳорда эса, Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгаши Раҳбари Ли Пэн жавоб ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Икки давлат ўртасидаги муносабатларда иқтисодий ҳамкорлик алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Бугунги кунда республикамизда юзга яқин Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси рўйхатга олинган. Улардан энг йирити — “Тошинтерм” қўшма корхонасининг маҳсулоти республикамиздагина эмас, яқин ва олин хорижда ҳам харидорлиғи билан машхур. Тошкентдаги “Зафар” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган рангли телевизорларнинг ҳам бозори чакқон.
Хитойлик шерикларимиз Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган “Ил-76” юк самолётларидан анчагина қисмини сотиб олди. Шунингдек, Хитойда шартнома бўйича ўзбек геологлари ҳам муваффақият билан меҳнат қилмоқда.
Ҳозир Тошкентда “Ўзбекистон-Хитой” жамияти ишлаб турибди. Ўзбекистон халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий уюшмаси ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик Хитой халқ жамияти ўртасида имзоланган ҳамкорлик ҳақидаги шартномага мувофиқ Пекинда “Хитой-Ўзбекистон” жамияти очилди. Тошкентдаги 59-маҳсус мактабда болалар бошланғич синфлардан бошлаб Хитой тилини ўрганади...
Учрашувда Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги факултетида ва мухтор элчи жаноб Гуан Хэнгуан сўзга чиқди. У шонли сана билан самимий табриклар учун миннатдорлик билдириб, икки давлат ўртасидаги дўстона алоқалар ҳаётнинг барча жабҳасида бундан кейин ҳам мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.
Ўзбекистон Рассомлар уюшмасининг кўргазма залида Хитойдаги бугунги ўзгаришлар ҳақида хикоя қилувчи суратлар кўргазмаси очилган, қардош мамлакат ҳаёти ерилган китоблар, журналлар ва бошқа материаллар кўйилган эди.
Тантанали йиғилишда Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари ҳам иштирок этди.
(У.А.)

КЕЛАЖАГИМИЗ МЕЪМОРЛАРИ БАЙРАМИ

Қадим-қадимдан элу юрда мураббийлар ҳақида келинади. Уқитувчининг берган илму сабоги болаларни ҳаётда қомил инсон бўлишга, ватани, эли суймакти ургатади.
Бугунги кунда, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизими ҳам янгилашиб, жаҳон тажрибалари асосда ўзгариб бормоқда.
— Ҳар қайси инсон, авваломбор, фарзандларимиз республикамизнинг тараққиёт сари қўйган ҳар бир қадминини ўз ўзунга-иятларини ушлагани учун қўйилган яна бир имконият, деб аниқлаш лозим. — деган эди Ислом Каримов. — Бунинг учун биз болаларимизни соғлиқ, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга эътибор беришимиз керак.
Шу маънода, мамлакатимизда соғлом ва маънавий етук инсонни тарбиялашга катта ҳисса қўшаётган ўқитувчилар меҳнати қадр томиқда. Буни президентимизнинг халқ таълими соҳасида алоҳида ўрнат қўратган ҳодимлари тақдирлаш, маориф ҳодимларининг меҳнатини рағбатлантиришга оид тадбирлар тўғрисида чикраган фармонлари ҳам неботлаб турибди.
30 сентябрь кун “Туркистон” саройида халқ таълими ҳодимларининг ўқитувчилар кунига бағишланган тантанали йиғилишда ана шу ҳақда сўз борди.
Байрам тантаналарининг Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон давлат маъдҳисси янгради.
Республика Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат халқ таълими ҳодимларига йўллаган табригини республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов ўқиб эшиттирди.
Йиғилиш сўнгиса катта концерт қўйиб берилди.

Шу кунги пойтахтнинг Муқимий ва Ҳамза номидаги театрларида бўлиб ўтган ўқитувчилар байрами бўлиб ўтди. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини ҳамда Республика мактабгача тарбия билим юртининг биринчи курсига қабул қилинган йил-қизлар ҳажон ва гурур билан талабалик гувоҳномаларини олдилар. Уларни мураббийлар, ота-оналар қутқалди.
(У.А.)

КОНЧИЛАР ДАСТУРХОНИГА

Навоий тоғ-металлургия комбинатининг лимонарий хўжалигида жорий йилда 13 тонна лимон етиштириш мўлжалланган. Лимонарий жамоасининг тажрибали деҳқонлари лимонарий майдонида 10 тонна тарвуз, 5 тонна ошқовоқ ҳам етиштирдилар.
Комбинатнинг ишчилари, боғча ва ошқоналари, ўз корхоналари, етоқхона ва уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари лимонарий хўжалигида етиштирилган маҳсулотларни арзон нархда олишмоқда.
Т. ЭШБОЕВ,
“Халқ сўзи” мухбири.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР ЯКУНЛАНДИ

30 сентябрь куни эрталаб Тошкентда ўтаётган ЕХХКнинг халқаро анжумани ўзининг бешинчи йиғилишини бошлади.
Унда Голландия вакили доктор Ари Блуд “Низоларнинг олдини олиш бўйича ЕХХК тадбирлари ҳамда уни қўллаш стратегияси”, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирлиги вакили И. Блатов “ЕХХКнинг иқтисодий ва экологик соҳадagi фаолияти: янги алоқалар”, Ўзбекистон республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари К. Бурханов “Гиехвандликка қарши курашда Ўзбекистон республикасининг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги”, Стокгольм илмий-тадқиқот институти вакили Ж. Лаховский “ЕХХКнинг янги вазифалари: қуруланишини назорат қилиш ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик”, Ўзбекистон республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов “Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни” мавзуларида маъруза қилдилар. Маърузалар юзасидан мунозара ўтказилди.

Тушдан кейин халқаро анжуманининг якуловчи йиғилиши бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Қомиллов бошқарди. ЕХХК Бош котиби В. Хойнк, Стокгольм илмий-тадқиқот институти директори А.

— ЕХХК Марказий Осиедаги мустақил давлатлар билан хавфсизликни таъминлаш, инсон омили, атроф муҳит муҳофазаси, гиехвандликка қарши кураш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқмоқда. Семинар давомида бўлиб ўтган мулоқот ва мунозаралар ана шу дастурни бойитишга ердан беради. Анжуман барча қатнашчилар учун фойдалли бўлди, шу куннинг долзарб муаммолари борасида атрофлича фикрлашиб олдинди, аниқ тақлифлар уртага ташланди. Бу тақлифлар ЕХХКнинг яқинда Будапешт шаҳрида бўладиган олий даражадаги учрашувда кўриб чиқилади.
Бош котиб У.А. мухбирининг Будапешт учрашувда қуриладиган масалалар хусусидаги саволга жавобан қуйидагиларни таъкидлади:
— Энг аввало, унда ЕХХКга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бу нуфузли халқаро ташкилотнинг оубурийни янада ошириш тадбирлари белгиланади. Марказий Осие республикаларига амалий ердан кўрсатиш масаласи муҳокама қилинади. Бунда шу республикалар вакилларининг анжумандаги иштироки, уларнинг аниқ тақлифлари муҳим аҳамиятга эга бўлади. А. Қомиллов ва В. Хойнк журналистларнинг қўйлаб саволларига жавоб қайтардилар.
(У.А.)

Сўз — анжуман қатнашчиларига

ҚИЗГИН МУНОЗАРАЛАР, САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Вильгельм ХОЙНК, ЕХХК Бош котиби:
— ЕХХКнинг Тошкент семинари ниҳоятда самарали ўтди. Қатнашчиларнинг ҳар бири ўз фикрини баён қилиш имконига эга бўлди. Семинар қатнашчилари Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши фаолияти ҳақида кенг маълумотга эга бўлган бўлсалар, ЕХХК мутасаддилари Марказий Осиедаги ҳозирги жараёнлар, ютуқ ва муаммолардан хабардор бўлдилар. Бу эса, қандай соҳаларда яқиндан ҳамкорлик қилиш мумкинлигини аниқлашга ердан беради. Самарали, ўзаро манфаатли муносабатлар учун яқин пайдевор қўйилди, энди уни мустаҳкамлаш керак.
Мен, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан шу йилнинг март ойида учрашган эдим. Ўзбекистон раҳбари бу сафар ҳам биз билан учрашишга вақт ажратганидан беҳад мамнун бўлдим. Марказий Осиедаги мустақил давлатлар, жумладан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш йўллари ҳақида фикрлашиб олдим.
Семинаримизнинг яқин ўттичи учун барча шарт-шароитларни яратиб бергани ва самимий меҳмондўстлик учун Ўзбекистон раҳбариятига ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз.
(У.А.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1994 йил 30 сентябрь куни бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган ўнта банки иштирок этди.
Сотув ҳажми 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 18.00 сўм даражасида қайт этилди.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 1 октябрдан бошлаб ҳисоб ва боқжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади. *)

1 Австралия доллари	13.30	10 Португалия эскудоси	1.14
1 Австрия шиллинги	1.65	1 Сингапур доллари	12.14
1 Англия фунт стерлинги	28.42	1000 Туркия лираси	0.53
10 Бельгия франки	5.65	1 Финляндия маркаси	3.69
1 Голландия гульдени	10.38	1 Франция франки	3.41
1 Греция драхми	0.76	1 Швейцария франки	2.41
1 Дания кронаси	2.96	1 Швейцария франки	14.00
1 АҚШ доллари	18.00	1 ЭККУ	22.22
1 Миср фунти	5.32	10 Япония иенаси	1.83
1 Ирландия фунти	28.08	1000 Россия рубли	6.93
1 Исландия кронаси	0.27	1 Эстония кронаси	1.45
10 Испания песети	1.40	1000 Украина карбованеци	0.64
100 Италия лираси	1.16	1 Латвия лати	32.97
1 Канада доллари	13.40	1 Литва лити	4.50
1 Кувейт динори	60.61	1 Қозғоғистон тенгеси	0.38
100 Ливан фунти	1.08	1 Молдова лейи	4.27
1 Германия маркаси	11.63	1000 Беларусь рубли	3.29
1 Норвегия кронаси	2.66		

*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш еки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 1 октябрдан бошлаб маҳсус пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйидаги тижорат қийматини белгилади:
— Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 20 сўм 80 тийин.
— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 20 сўм 80 тийин.
Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинади.

Бу ҳақда Олий Кенгашининг XVI сессиясида гапирилган эди.

Республикада янги бозор иқтисодиёти шаклланиётган аниқ кулларда қишлоқ хўжалигининг олдида турган ўта долзарб муаммолардан бири мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида эришилди.

Кейинги йилларда юртбошимиз олиб бораётган илчил ғалла сисабат туйфайи бошқоқ дон экинлари майдони 750 минг гектарга етди. Тарихда биринчи марта 2 миллион тоннадан ортиқроқ дон етиштирилди. Давлат ғаллакорлардан 1 миллион тоннадан ортиқ дон қабул қилиб олди.

Республика Вазирлар Маҳкамаси, шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан ялли дон етиштиришни бундан ҳам кўпайтириш мақсадида 1995 йил ҳосили учун сугорилмаган ерларда кузги бошқоқ дон экинларининг майдонини 900 минг гектарга етказиб, жами 3,38 миллион тонна дон тайёрлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Шу билан бирга, келгус йилдан бошлаб ғалланинг давлат харид нархи оширилиши, давлат буюртмасининг 67 фоиз қилиб белгилиниши ҳукуматимиз томонидан ғаллакорларга кўрсатилаётган ҳамуриликнинг яққол намунаси бўлди. Шунга қарамадан, республикада дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резервларидан бири бўлган сугорилмаган ерлардан олинмаган ўртача ҳосилдорлик гектарига 23—25 центнердан ошмапти. Бунинг сабабларидан бири шунки, аксарият хўжалиқларда ғаллачиликка бўлган муносабат ҳамон эскича давом этмоқда, юқори ҳосил етиштириш учун мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмапти. Холбуки, республикамизнинг сугорилмаган ерларида ҳосилдорликни гектарига ўртача 35—40 центнерга, ҳатто ундан ошмишига имкон берувчи қулай тупроқ шартлари, энг муҳими сугорилмаган ерларда деҳқончилик қилишда бой тажрибага эга миришор деҳқонларимиз бор.



Ғаллакорларни эса мавжуд 5300 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан ўртача 31 центнердан ҳосил олишга эришилди. Ғаллачиликда бўлгуси ҳосил тақдирини кўп жиҳатдан кузги ғалла экин муаммолари таъйиргарлик, уни ўтказиш муддати ва сифатига

бир неча таксимланган технологиялари ишлаб чиқаришга кенг жорий этилмоқда. Ана шундай технологиялардан бири очки, яъни ҳосилни йиғиштириб олишга ёрдам қиладиган эришларга ғалла экинчи ҳамадан ун чўққан ғўзапоя ичига ғалла экин усуллари бўлди. Биринчи ҳамадан ғалла экинлардан даладар тупроқнинг механик таркиби, сизот сувларнинг узоқ-қўнғилиги қараб гектарига 650—800 кубометр ҳисобида сугорилиши мумкин. Негаки, кузда сугорилиб

учун — сентябрнинг сўнги ўн кунлиги ва жанубий вилоятлар учун эса октябрнинг иккинчи ўн кунлигидир. Шундай бўлсада хўжалиқларда ғалла экинчи қатъий графиклари юзга келган муайян об-ҳаво шартларида ва мавжуд ғалла уруғининг навига, унинг биологик хусусиятларига қараб тўзилиши мумкин. Республиканинг сугорилмаган ерларида ғалла экинларини уруғчилигини илчил тизим асосида бошқариладиган механизмнинг

эса 99 фондан кам бўлмашлиги лозим. Яна шу сифат кўрсаткичларга тўлиқ жаваб берадиган бугдой уруғининг экин меъёри муддат, тупроқ унумдорлигига қараб гектарига 3,5—4 миллион донани экин оғирлик ҳисобида 140—160 килограммини ташкил этиши лозим. Кеңроқ муддатларда, тупроқ чиринди ва озуқа моддаларга камбағал, шунингдек ўртача шўрланган ерларда экин микдори камда 15—20 фонга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.



СУГОРИЛАДИГАН ЕРЛАРДА ҒАЛЛАДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ МУМКИН?

Сўнгра ишлов берилган даладарда уруғини тез ва тўлиқ униб чиқиш кутилди. Сугорилмаган ерларда эса тупроққа ишлов бериш анча кийинчилик туғдиради, экин суярати ва сифати пасаяди. Куруқ тупроқни, ҳамда серкесақ далага экинган ғалла уруғи нотекис эклишидан ташқари унинг униб чиқиши ҳам кечикади. Ғаллакорларга ериш ҳайдашда иш унуми анча юқори бўлган 4 ва 5 корпусли ағдарма плуглардан фойдаланиш тавсия этилди. Ҳайдаш чуқурлиги 25—30 сантиметрни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Сугорилган даладарда экин олдиндан берилмаган ишловлар тупроқ бироз чўқиб экинлашгандан сўнг ўтказилса анча фойдали бўлади. Тупроқни ҳайдашда, экин олдиндан ишлов беришда албатта плуг ва бошқа мосламалар тишли борона экин экинлик (қаток)лар билан жиҳозланган бўлиши шарт. Кузги ғаллани экин муддатларини тўғри тайил билиш ҳам юқори ҳосил етиштиришнинг асосий шартларидан биридир. Бирлашмаси томонидан Республиканинг турли агроэкологик шартлари учун кузги ғалла экинчи мавжуд муддатлари ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг асосида мазкур минтақадан куз ойининг кўп йиллик ўртача об-ҳаво маълумотлари ётади. Шунга қўра, кузги ғалла экиннинг агроэкологик шартлари мавжуд муддатлари шимолӣ вилоятлар (Қорақалпоғистон республикаси, Қарақўлақ) учун сентябрь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлиги, марказӣ вилоятлар

йўқлиги аксарият ғаллакор хўжалиқларида маҳаллий об-ҳаво ва тупроқ шартларига мос келмайдиган, касалликка чидасиз навларни экин ҳоллари кўпайиб кўзатишмоқда. Ғалла уруғчилигига экиннинг сустлиги туйфайи баъзи хўжалиқлар раҳбарлари ва мутахассислари сўғорма ерлар учун мослашган навлар ўрнига, палеопартиш қондицияга етказилган, лемкорлик учун районлаштирилган уруғларни экинга мажбур бўлмоқдалар. Биз ҳозирги шартларда республикамизнинг турли минтақаларидаги сугорилмаган ерларида қулай ғалла экин учун бўлиши "Санзор 4", "Енбош", "Интенсивная", "Безостая", "Унумли бугдой" каби навларини, шунингдек арпаининг "Ойқор", "Циклон", "Болғали", "Қарши", "Зафар" навларини тавсия этишимиз. Мақбул агроэкологик муддатларда экин бачча технология жараёнлар тўлиқ ва ўз вақтида сифатли қилиб бажариладиган юқорида қайта этилган навларнинг ҳосилдорлик салоҳияти гектарига 50—60 центнердан ошиб кетиши илмий тажриба ва илгор хўжалиқлар мисолида исботланган. Бўшқоқ дон экинларининг сугорилмаган ерларда экин шартлари уларнинг униб чиқиш ва тўллаш хусусиятларига, 1000 уруғининг оғирлигига, тупроқ унумдорлигига, экин муддатига ва ҳосилдорлик бўлишига экин учун ўроқни уруғлик 1000 донасининг оғирлиги 45—50 граммдан, лаборатория шартларидаги унумчилиги 95 фондан, тозаллиги

МДХ ДЕЛЕГАЦИЯСИ КУЗАТУВЧИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 49-сессиясида умумий сийёсий мунозаралар бошланди. Мазкур анжуман халқроқ ташкилот тарихидаги энг йирик тадбирлардан бири бўлиб қолади. Унда 39 давлат раҳбари, 18 бош вазир ва икки қирол, жами 184 мамлакат вакили қатнашмоқда. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида биринчи марта Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ажроия сифатидаги делегацияси аъзолари ҳам кузатувчи сифатида иштирок этмоқда.

КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИГИЛИШ

Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Саудия Арабистонига расмий таширф билан келди. У мамлакат подшоҳи Фаҳд билан учрашди. Раҳбарлар учрашувидан сўнгра ҳар икки мамлакат делегацияси аъзолари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Таширф давомида савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва Саудия Арабистони билан Қозғистон ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

ВАЗИР БАЁНОТИ

Қуба ҳукумати ўз мамлакатининг АҚШ томонидан иқтисодий қамал қилинишига чек қўйиш ҳақидаги масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг муҳокамага қўймоқчи. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири Роберто Робайна баёнот берди. Қуба ҳукумати мазкур талаб билан БМТ Бош Ассамблеясида учинчи марта мурожаат қилмоқда.

ҚЎШМА КОМИССИЯ ТУЗИЛАДИГАН БЎЛДИ

Эрон ва Туркия ҳукуматлари гўёҳандликка қарши курашиш учун қўшма комиссия тузишга қарор қилди. Унда гўёҳанд моддаларни яширинча йўллар билан ҳар икки мамлакат чегараларидан олиб ўтилишига йўл қўймаслик, қўлга тушган жиноятчиларни ўзaro алмашиш ҳамда бошқа ҳафсизлик чоралари бўйича ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

АРМИЯ БЎЛИНМАЛАРИ ҲАМ...

Ҳиндистон ҳукумати Сураат шаҳрида тарқалган вабога қарши кураш чораларини кўрмоқда. Айрим маълумотларга қўра, вабо қурбонлари 200 нафардан ошган. Ваҳимага тушган аҳоли шаҳарни ташлаб кетмоқда. Вирус тарқатувчи қочоқларни туп-тибиш ҳамда дарога чалланларни аниқлашга армия бўлинмалари жалб этилди.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚАТЛ ЭТИЛДИ

Пекинда қотиллик, яширинча қурол сотиш ва йирик ўқувчиликка айбланган 10 нафар жиноятчи қатл этилди. Сўнгра пайтда мамлакат жамоат ҳафсизлигини таъминлаш органи жиноятчиликка қарши қатор махсус тадбирлар ўтказди. Натижада бир неча минг жиноятчи ушланди, улардан юзга яқин ўт очувчи қурол тортиб олинди. Мазкур тадбир Ҳитой Халқ Республикаси ташкил топганининг 45 йиллиги олдидан мамлакатда оёсийшталликни таъминлаш мақсадида ўтказилмоқда.

ОҚ ЮБИ, ОҚ ТАРАБ...

Бутунг кунда Жиззахда "Сўғдиёна" фирмасини билмайдиган одам йўқ. Унинг юздан энг фитилларидан йўлбард халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришмоқда. Умумий оқватлаш, савдо инпоотлари қурилмоқда. Фирма жамоаси яқинда яна бир эзу ишга қўл урди. Жиззах, Фориш, Ғаллаворол, Бахмал, Зомин туманларидаги боқувчисини йўқотган 70 нафар ўғил-қизини донийи отапиққа олди. Мана уч йилдирки, ана шу етилларга ва уларни ўз тарбиясига олган ота-оналарга ҳар байрамда дастурхон ёзиб, бошларини сийламоқда. Улар қандай Узбекистон мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан дастурхон ёздилар. Фирма номидан ҳар битта болага 150 сўмдан пул берилди. Ва сафар "Э осан", "Беход" ва Боллар жамғармалари ҳам бош қоронига мададор бўлишди. Улар жажжи меҳмонлар учун лаззатли тушлик тайёрлашди. Катта концерт намойиш этишди. Бош-оёқ сарпо, озиқ-овқат улашди. Бундай меҳр-муруватдан бахмаллик Бувайроқов Азимова севини ёшларни яшролмоқда. — Етилларга бўлаётган бундай эътибори келажиги буюр давлатга бўлган эътибор деб тушунама, — деди у. — Мен Азимовлар оиласига ўн йил илгари келиб бўлиб тушганман. Уч фарзандим бор, турмуш ўртоғим Зулқадирнинг етим қолган 6 нафар укаларини ҳам ўз қарамоғимга олдим. Худого шукур-камчилигимиз йўқ. Каттасини уйли-жойли қилдик, энг кичини ўн икки ёшда. Фақат бир тилигим бор, сариринг бошини сийлаган ахши одаларини эл-ўрт сиёласин, ҳеч нарсадан кам бўлишмасин. Бу сўзларни ўқиганда қайовни бир аёлни кўз олдингизга келтиришингиз тўғрисида, йўқ, асло азия муштарий! Бу дил хазори соҳибаси эндигина ўттизга қадам қўйди. Ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган бундан келинчапар муруватини биз олдим халқ достонларида ўқиганимиз. Шукрлар бўсиники, ҳозирги долғали замонамизда ҳам бешта туманининг гўнда ундан энг шундай савоатли аёлни кўрдик. Уларнинг ҳар бири беш-олти нафар етимни ўз фарзандлари қаторида оқ ювиб, оқ тараб ўтирибдилар.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН ТОВАРЛАРНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ БИЛАН СОТАДИ (наҳрлар бозор нархидан арзон)

- 1. PC/AT 386 DX, 40 Мгц, 4 Мв, 120 МВ, 5:35", 3,5", SVGA.
2. Принтер Epson FX-1000
Манзилгоҳимиз: Академиклар шаҳарчаси, Ф.Хўжаев кўчаси, 33, тел. 62-74-86.

Ўзбекистондаги "MISSISSIPPI" қўшма корхонасининг "HYUNDAI CORPORATION" махсус дилери автомобилларнинг дунёга машҳур супертежамли модели "SO-NATA-GLS" суперсалонини (хав) тозолагич ва бошқа қулайликларга эга) таклиф этади. 100 км масофага (соатига 90 км тезликда) 4,52 литр ёнилғи сарфланади.

Қуйдаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Чимкент шоҳкўчаси, 79-уй, 8-техник хизмат кўрсатиши шохобчаси. Телефонлар: (3712) 24-81-41, 33-17-04. Тўлов - СКВ асосида (нақд пулга ва пул ўтказиши йўли билан).



Ўзбекистон дарё флоту

ФАҚАТ ХОҲИШУ, ҲАРАКАТ БЎЛСА, БАС

қранлар, енилли билан таъминловчи кемалар ана шулар сирасига қиради. Шу боис ҳеч иккиликмай айтиш мумкинки, хўжалигимиз кичик бўлмаганидек, зиммамиздаги вазибаларнинг салмоғи ҳам катта. Бирок флотимиздаги ўзгариш ва махсус бошқариладиган техника воситаларининг аксарият қисми қайта таъмирлашни еки бутунлай янгилашни талаб этади.

— Бунинг учун имконият борми? — Ғалпнинг индалдосини айтдиған бўлса, йўқ. Аммо "Қорақалпоқдарёфлот" бирлашмаси қошида ташкил этилган кемаларни қайта таъмирлаш заводи ва таъмирлаш устоналаримиздан умидимиз катта. Хомаше ва эҳтиёт қисмларни Бекобод металлургия комбинатидан таъйирлатишни режалаштиряпмиз.

Хуллас, халқ қилинмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Фақат озгина хоҳиш ва ҳаракат бўлса, бас.


— Автомобилчилар билан денгизчилар бирлашганидан сўнг қандай натижаларга эришилди? Еки бу ҳақда гапиряишга ҳали эртами? — Ҳозир кемаларимиз юкларни манзилга ўз вақтида етказиб берапти. Бирок унинг асосий қисми ун, шакар, гуруч каби энг қамеб махсулотлар бўлганини сабабли, ташқида озми-кўпми исрофгарчиликка йўл қўйилапти. Бунинг олдини олиш учун эса махсус контейнерлар зарур. Улар эса бизда етишмайди. Шу боис "Ўзавтотранс" корпорациясига қарайли "Ўзавтосозлаш" корхонасига шу йилнинг охиригача юзта контейнер тайёрлаб бериш юзасидан буюртма бердик.

Яна бир муаммо. Авваллари, аниқроғи, корпорацияга бирлашганимизга қадар, автомобилчилар юкларни денгизчиларга етказишда масофа танлашмасди. Ҳозир эса, гарчи автомобиль йўли бўлса-да, улар кемалардан фойдаланишни афзал кўрмоқдалар. Ахир, бутунг кунда, транспортнинг қайси туридан катти назар, юкларни у ердан-бу ерга олиб бориш арзонга тушмайди-ку? Шундай экан, илбори биринчи энг кўриб ишланиши олдини олиш зарур.

— Демак, автомобилчилар билан денгизчилар юкори самарадорликка эришиш йўлида ҳозирча мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаганлар, шундайми? — Ҳа. Бирок ҳали олдимизда улкан вазибалар турибди. Турли хил ташкилотлар, муассаса ва вазириллар билан ҳамкорликда иш юритишни ҳам режалаштиряпмиз. Масалан, Россия Денгиз флоту департаменти бизнинг сув транспортларимиз орқали керакли юкларни Афғонистонга, у ердан бошқа мамлакатларга олиб ўтишда кўмаклашмоқчи. Демак, улар билан келишилган ҳолда машиналаримизни ҳам, янгилаб олишимиз шубҳасиз. Шунингдек, бевосита Амударё хавзасига алоқаси бўлган вазириллар, ташкилотлар билан муносабатимиз кун сайин ахшиланиб борапти. Бунга республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирилиги, Сув хўжалиги давлат қўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз мисол бўла олади. Аинякча, ен қўшимиз — Туркменистон денгизчилари билан аввалгидек шерикчилик асосида иш юритаётганимиз кутилганидан зиёда самара бермоқда.

Кискасча, сўнги пайтларда Ўзбекистон дарё флотини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқларидан сезиларли из қолдиromoқда.

— Амуларё ҳақида гап кетганда, киши кўз ўнгида беҳтёр кириб бораётган Орад денгиз бўғазидан, денгизчиларнинг бу ҳудудда яшаётган аҳолига қўрсатаётган хизматлари уларнинг аҳолийи енгиллаштиряпми? — Албатта. Уларга кунгига ҳеч бир узилишларисиз кемаларда ун, гуруч ва бошқа хил озиқ-овқат махсулотлари етказиб беришмоқда. Келгусида бундай юкларнинг тури ва ҳажми янада оширилиши мўлжалланапти. Бунинг учун бизда барча имкониятлар мавжуд.



Коракўла туман савдо, ишлаб чиқариш кўрпачалар, чопонлар дўкон пештахталарида ҳиссадорлик жамияти қўйида очилаётган кичик корхоналар сони кундан кунга ошиб бораёпти. СўРАТДА: (чапдан) тикучуқилар Р. Муродова ва Ж. Файзиёвалар иш устида.

Ҳамкорлик

КЎРГАЗМАДА — НЕМИС КИТОБЛАРИ

Фарғона давлат университетиде немис китоблари кўргазмаси уюштирилди. Уни Германия Республикасининг Узбекистондаги факултода ва мухтор элчиси Доктор Карл Куна таштанали равишда очди. Кўргазмадан компьютер техникаси, иқтисод, экология, мактаб ўқувчиларининг дарслиқлари, болалар адабиётига оид китоблар ўрнб олган. Шунингдек, унда ўзбек адабларининг немис тилига таржима қилинган асарлари ҳам бор. Мазкур китоблар кўргазмадан сўнг республика ўқув-методик марказидан донийи жой олади. Э. МАХСУМОВ.

ТОШ ТОПИЛСА, ТАРОЗИ ЙЎҚ...

Хоразм вилояти прокуратураси ҳамда эдия бошқармаси деҳқон бозориде ўтказилган текширув натижасини эълон қилди: вазибаларга маъмулэтиксиз билан муносабатда бўлган бир неча бозор директорлари вазибалардан четлатилди. Текширувда маълум бўлдики, кейинги вақтда Янгибозор туман деҳқон бозорига махсулот олиб келиб сотувчиларнинг қадими сирақлашган. Нега? Уларнинг сабабини сотувчлар шундай изоҳлади: — Олгидан от-улов қилиб, махсулот келтириб, сарсон бўлиб қолдик. — Деди нуруний отахон ўзи сотаётган олтиндек узумларини кўра-кўра қилар экан. — Бозорда эркин савдо қилиш учун шартин етарли эмас. 3 кишига битта тарози тўғри келмапти. Бозорқўрларга ҳайронсан: тош топилса, тарозини қандириб қоласиз...

Дарҳақиқат, директор К. Ражабов бозорда тартиб ўрнатишга бели қайишадиганлардан эмас экан. У ўзбек валютасининг қадарини ошириш, истеъмол бозорини ўлдириб, аҳолига нумунан савдо хизмати кўрсатиш ҳақида йўлбард кўрмаган. Бозор ҳодимлари

Ҳ. НАБИРАЕВ. "Халқ сўзи"нинг муҳбири.

деҳқонларга қулайлик қарши ўрнига улардан патта бермай чой-чақча унлар билан овора бўлган. Махсулот сифатини мунтазам назорат қилиб туриш, нарх-навоини қўтарилиб кетишига сабабчи бўлаётган қайқовчиларни тийиб қўйишга эътибор берилмаган.

Бундай ҳолатини Ҳазорат, Хонка, Қўшқўрлик деҳқон бозорларида ҳам кўриш мумкин. Хуллас, боқибаем директорлар ўрнига ишбилармон ешлар раҳбарликка тайинланди. Деҳқон бозорларида қисқа муддатда тартиб ўрнатилиб, зарур асбоб-анжомлар билан таъминланди. (ЎА).

В. ГЛАДИЛОВ, "Халқ сўзи"нинг жамоатчи муҳбири.

TV ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

Душанба, 3

ЎзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.

Сешанба, 4

ЎзТВ I
7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Чоршанба, 5

ЎзТВ I
7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

Пайшанба, 6

ЎзТВ I
7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг".
18.00 "...16 ешча ва ундан катталар".

Шанба, 8

ЎзТВ I
7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.

13.00 "Жозоба".

13.20 "Бир шингил хангома".
13.30 Видео янгиликлари.

Якшанба, 9

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Тонгги дам олиш кўрсатуви.



Чўст туманидаги "Говасон" жамоа хўжалиги соҳиб-корлари тўқинчилик йўлида астойдил ҳаракат қилаётганлар. Хўжалик аъзолари бу йил давлатга 700 тонна мева, 4,5 минг тонна узум, 1200 тонна картошка етиштириш ниятида.

Оддий ва қалин қозғоқ чиқитлари атроф-муҳитни ифослантириб, одамлар учун ноҳус экологик ҳаётни кўздан келтиради. Шу билан бир вақтда қозғоқ чиқиндилари йўқлиги сабабли Ангрэн қармон-идиш қўшма ширкати тўла фойдаланилмаяпти.

Table with columns for product names, quantities, and prices. Includes items like 'Салат ёғи', 'Майонез', 'Индонезия чойи', etc.

Қабул пунктлари манзили
Тошкент шаҳри
Ҳамза тумани
к/п N6 - Динамо кўчаси, 22

Акциялар, сертификатлар, чек дафтарчалари, лотерея билетлари ва бошқа қимматбаҳо ҳужжатлар юқори даражада муҳофазаланган қозғоларда тайёрланади. ДИҚҚАТИГА! ТОШКЕНТ ПОЛИГРАФИЯ КОМБИНАТИДА.

